

## ТАРИХНИ ЖОНЛАНТИРГАН СЎЗ

Насиба Бозорова,

Тошкент давлат юридик университети,  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти  
[n.bozorova@tsul.uz](mailto:n.bozorova@tsul.uz)

Тарих – инсоният кечмиши, кечаги кун. У бугун ва келажакнинг пойдевори. Тарих нафақат аجدодлар, балки авлодлар қисматига ҳам дахлдор. Тарихни ўрганиш орқали бугуннинг ғоявий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий ва ахлоқий муаммоларини ҳал этиш, чорасизликка чора топиш мумкин. Ўзини ўнгламоқ, ҳар жиҳатдан юксалмоқни истаган инсон, албатта, тарихга муурожаат қилади, ўтмишдан хулоса чиқаради, ибратланади. Шунинг назарда тутиб Биринчи Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ”, – деган эди.

Тарих аслида воқелик жиҳатдан жонсиз, ундаги ҳаракатлар поёнига етган, тугалланган. Қолаверса, саҳифалар қатидаги воқеа-ҳодисаларни ўрганишга ҳамманинг ҳам рағбати бўлмайди. Ҳаракатдаги замон одами жонли тарихга кизиқади. Ўтмиш бугуннинг нафасига ҳамоҳанг бўлсагина, кўпчилик томонидан қабул қилинади, йўқса, бир гуруҳ мутахассислар шуури ва солномалар қатида қолиб кетишга маҳкум бўлади. Хўш, тарихни қандай қилиб жонлантиш ва бу улкан ибрат мактабидан бугун ҳамма бирдек сабоқ олишига эришиш мумкин?

Бу ўтмишни бадиий кашф этиш, олис воқеликни ўқувчига бугунги тилда етказиш орқали амалга ошади. Тарих сўз, адабиёт воситасида замондан замонга кўчади. Бадиий сўз кумтепалар остидаги ҳаётга руҳ беради, курук баёндан иборат ва унутилган хотиротни тасаввурда жонлантиради, қалбга олиб киради. Миллат ва халқ тақдирида муҳим ўрин тутган, маънавий-руҳий қуввати, шаън-шавкати, феъл ва сажияси билан тарихда ном қолдирган буюк зотларнинг асрлар ошиб келатганининг бир сабаби ҳам шу. Ўз даврида буюк шахсларнинг фавқуллодда истеъдоди, шижоат ва жасорати фақат солномаларда қайд этилмаган. Уларнинг жасорати ривоят, ҳикоят, шеър, марсия, дoston, кўшиқ бўлиб куйланган, қасидалар орқали халққа ёйилган. Реал ўтмиш солномалардан кўра бадиий сўз қанотида кенгайган, келажакка ўтган. Шу маънода рус адибининг “Ҳақиқий тарихни тарихчи эмас, ижодкорлар яратади” деган фикрига қўшилиш мумкин.



Миллий давлатчилик тамал тошини қўйган улуғ сиймоларимиздан бири Амир Темурдир. Амир Темурнинг жаҳоний эътирофга сазовор бўлишида унинг шахсияти ҳақида хабар берувчи Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”), Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалиқлар”, “Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-таворих”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” каби илмий-тарихий, тарихий-бадий манбаларнинг ўрни алоҳида. Бироқ Тарағай Баҳодирнинг Ғарбу Шарқда Темурланг, Буюк Темур, Соҳибқирон сифатида кенг шуҳрат тутишида бадий сўз усталари – ижодкорларнинг ҳам хизмати бениҳоя катта бўлган. Тарихий манбалар асосида яратилган насрий, шеърий, драматик асарларнинг бош қаҳрамони темурийлар давлати асосчиси, саркарда Амир Темур тарих саҳифасидан ижодкор яшаган замонга кўчиб бораверган. Амир Темур шахси бадий талқини орқали ҳар бир давр китобхони бир неча аср олдинги ҳаёт картинасини тасаввурида жонлантирган. Мутахассислар Амир Темур шахсияти барча давр ижодкорларини қизиқтиргани Ғарбда инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марлонинг “Буюк Темурланг” (1857-90) тарихий фожиаси улуғ жаҳонгир сиймосини бадий тадқиқ этиш сари қўйилган илк кадам бўлганини эътироф этишган. Кейинчалик яратилган Луи де Геваронинг “Буюк Темур”, Никола Пованинг “Темурланг”, Никола Прадонинг “Темурланг ёки Боязиднинг ўлими” ва Люсьен Кереннинг “Амир Темур” драмалари орқали бу тарихий шахс ҳаётига доир ҳақиқатлар янги асрларга ўтган, дейиш мумкин. Мазкур асарларнинг саҳнага қўйилиши билан Амир Темур сиймосига қизиқиш янада ортган.

Озар шоири ва драматурги Ҳусайн Жовиднинг “Амир Темур” (мазкур драма Усмон Қўчқор томонидан ўзбекчага ўтирилган) драмасида ҳам буюк жаҳонгир идеал образ сифатида талқин этилган. Адабиётшунос олим Қ.Йўлдошев ва М.Йўлдошевлар Ҳусайн Жовид ушбу драмасида Амир Темурни туркий миллатнинг шонли ўтмиши тарзидагина эмас, балки бу миллат вакиллариини ёрқин келажак яратишга ундовчи шахс сифатида тасвирлаганини қайд этишган.

Замонавий адабиётимизда Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар”, “Улуғ салтанат” Пиримқул Қодировнинг “Она лочин видоси” романлари Амир Темур образини бугунги китобхонга етказишга хизмат қилган бўлса, сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” ҳамда Одил Ёқубовнинг



“Фотиhi Музаффар ёхуд бир париваш асири” драмалари ва уларнинг сахна намоиши Амир Темур шахсини бугунга янада яқинлаштирди. Бу асарлар буюк саркарданинг реал ҳаётдаги сингари виқори, салобатли, мардлик ва шижоатини сўз ва ҳаракатлар воситасида жонлантирганки, ўқиган ёхуд томоша қилганда воқелик ёрқин хотирада қолади.

Айниқса Абдулла Орипов талқинидаги Амир Темурнинг драма сўнггидаги:

Жангу жадал орасида фурсат топган чоқ,

Битик қилдим қоидаю амалларимни.

Мен уларни атаганман “Тузукот” дея,

Умидворман, келажакда бу тузуқларим

Асқотгайдир салтанату авлодларимга.

(Темур кўйнидан “Тузукот” китобини чиқариб Мирзо Пирмуҳаммадга узатади)

Тожу тахтни мендек узоқ сақлай десангиз,

Қиличингиз ўйлаб чекинг, бўлинг ҳамжиҳат.

Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,

Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг,-

деган хитоби сўз, оҳанг, ифода ва даъват жиҳатдан ўқувчига қалбида акс садо бермай қолмайди.

Хуллас, тарихий драмаларда ижодкорлар томонидан яратилган Амир Темур образи миллат ва халқ олдида улкан ишларни амалга оширган тарихий шахс

Амир Темур шахсиятини танишга катта ҳисса қўшганини инкор этиб бўлмайди. Соҳибқирон ҳақида яратилган юзлаб бадиий асарлар китобхонга

Буюк Темурнинг нафақат ижтимоий-сиёсий фаолияти (раиятни бошқариш, аъёнларга муносиб лавозим бериш, бошқа ўлкалар билан савдо-сотик,

маиший-маданий алоқаларни ўрнатиш), балки руҳий-маънавий оламини, орзу-умиди, қалб изтиробларини билиш, улуғ сиймони яқиндан таниш имконини беради. Шу орқали тарих бугунги замон ўқувчиси қалбига муҳрланади.

Шундай экан бугун ёш авлодга адабиёт дарсларида тарихий-бадиий асарларни ўқитиш жуда зарур. Чунки миллат тарихини ўрганиш, Ватанни севиш,

миллият учун кураш, тафаккур ва тасаввурни кенгайтириш адабиётсиз асло амалга ошмайди. Зеро, Абдулҳамид Чўлпон айтганидек, АДАБИЁТ ЯШАСА

– МИЛЛАТ ЯШАР!



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Амир Темур Ҳусайн Жовид талкинида // Шарқ юлдузи. 2013 йил 4-сон.
2. Кўчқор У. Шеърӣ драма ва шеърлар. –Тошкент: Адабиёт, 2020.
3. Орипов А. Соҳибқирон. . –Тошкент: Академнашр, 2016.
4. Базарова Н. (2020). ЮРИДИЧЕСКИЕ ТЕРМИНЫ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «ШАЙТАНАТ» ТОХИРА МАЛИКА. Review of law sciences, 4 (Спецвыпуск), 194-199.
5. Bozorova, N. P., & Turabayeva, L. K. (2022). The works of Chingiz Aytmatov and the contemplation of the bookstore. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(1), 57-59.
6. Ramazonov, N., Khonnazarov, E., Choriev, O., & Yulbarsov, O. (2020). Interpretation and artistic function of the Concept of Faqr in Alisher Navoi's lyrics. INTERPRETATION. â, 1633-1641.
7. Ramazonov, N., Bozorova, N., Niyazova, N., & Choriev, O. (2021). ON THE RELATIONSHIP OF THE SUFI CONCEPT OF FAQR (رفق) AND THE CHARACTERS IN THE LYRIC POETRY OF ALISHER NAVOI. 湖南大学学报 (自然科学版), 48(8).
8. Gulyamova, G. (2022). TERM AND CONCEPT IN LEGAL TERMINOLOGY. Academic research in educational sciences, 3(1), 181-190.
9. Расулмухамедова, Д., & Турабаева, Л. (2022). Выражение идеи свободы в творчества Гафура Гуляма. Academic research in educational sciences, 3(1), 530-536.
10. Зиямухамедова, Ш. (2022). Бобур ғазаллари лексикаси бўйича конкорданс-луғат (116та ғазал мисолида). Общество и инновации, 3(2), 24-30.
11. Зиямухамедова, Ш., & Адилбекова, Ж. (2022). ВЛИЯНИЕ ЯЗЫКА НА СОЗНАНИЕ, КУЛЬТУРУ И МИРОВОЗЗРЕНИЕ. Academic research in educational sciences, 3(1), 537-546.
12. Расулмухамедова, Д. Т. ОБРАЗ АМИРА ТИМУРА В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ. XV ВИНОГРАДОВСКИЕ ЧТЕНИЯ, 133.
13. Рамазанов, Н. (2020). Право и литература: правовой дискурс в литературе и перспективы трактовки правовых текстов художественными методами. Review of law sciences, 4(Спецвыпуск), 180-188.



14. Пулатова, У. (2021). Отбор и описание лингвистических средств, представленных в уголовно-процессуальных документах. Общество и инновации, 2(5/S), 30-38.
15. Пулатова, У. (2020). Формирование и развитие письменной речи студентов-юристов на современном этапе. Review of law sciences, (2), 287-289.

